

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2017
ФЕВРАЛЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

С.ЗОКИРОВА	
Контрастив, конфронтатив ва чоғиштирма тилшунослик атамалари хусусида	56
Н.ПАЗЛИДДИНОВА	
Сабзавот экинларини ифодаловчи фитонимлар ва уларнинг мавзуй таснифи	61
М.ҒОЗИЕВА	
Суперсегментал бирликлар тадқиқига доир	65
Ғ.ХОШИМОВ, Ж.ҚОРАБОВ	
Турли тизимли тилларда ундолма орқали воқелантирилган фразео- гиперболамаларнинг типологияси хусусида	69
<u>ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ</u>	
Р.ИСАКОВА, Ф.ОТАЖОНОВА, Н.ХАИТБАЕВА	
Рус тили ўқитиш жараёнига АКТни жорий қилиш – индивидуализация, дифференциация ва мустақиллик тамойилларини амалга ошириш	74
Ш.ХОНКЕЛДИЕВ, Д.КАРИМОВ	
Спорт гимнастикасида иқтидорли болаларни йўналтиришнинг педагогик технологиялари	77
<u>ИЛМИЙ АХБОРОТ</u>	
И.ДЕҲҚОНОВ, М.ПАРПИБОВЕВА	
Чет тили дарсларида ўқувчилар оғзаки ва ёзма нутқларида учрайдиган хатолар ва уларни бартараф этиш йўллари	81
Н.ҚҮЛДАШЕВ	
Эколингвистика	84
Д.ҲАСАНОВА, Т.МҶМИНОВА	
Наврий суҳбат ва суҳбатдош ҳақида	87
<u>АДАБИЙ ТАҚВИМ</u>	
Ҳ.ЖҶРАЕВ	
Тотувлик, тенглик ва диний бағрикенглик тараннуми	89
Н.УМАРОВА	
Алишер Наврий дostonларида халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари масаласи	93
<u>ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ</u>	
ВОДИЙНИНГ ЗАБАРДАСТ ОЛИМИ	96
<u>ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ</u>	
Библиография	99
<u>ҚУТЛОВ</u>	
Ғолиблар аниқланди	101

НАВОИЙ СУҲБАТ ВА СУҲБАТДОШ ҲАҚИДА

Д.Ҳасанова, Т.Мўминова

Аннотация

Мақолада Алишер Навоийнинг сўз, суҳбат ва суҳбатдош ҳақидаги қарашларига доир фикрлар тадқиқи баён қилинган.

Аннотация

В статье изложены мысли, касающиеся исследования взглядов Алишера Навои о слове, беседе и собеседнике.

Annotation

In this article research the opinions on Alisher Navoi's views of word, conversation and companion is compounded.

Таянч сўз ва иборалар: сўз, суҳбат, суҳбатдош, тил, халқ, мулоқот, инсон, ибтидо, интиҳо,

Ключевые слова и выражения: слово, беседа, собеседник, язык, народ, общение, человек первобытный, окончание.

Key words and expressions: word, conversation, companion, language, people, communication, man, primal, termination.

Буюк бобокалонимиз Мир Алишер Навоий ҳақида сўз юритар экан, биринчи Президентимиз И. Каримов шундай деган эди: “Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз” [1.48].

Зеро, Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев таклифига биноан “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” дея ном олган 2017 йил дастурларини амалга ошириш, аҳолини, айниқса, ёшларни миллий муомала маданиятимиз руҳида тарбиялашда Алишер Навоий қолдирган буюк меросга қайта-қайта мурожаат қилишга тўғри келмоқда. Чунки улуғ бобокалонимиз жуда кўп ҳаётий масалалар қаторида мулоқот, суҳбат ва суҳбатдош мавзусида ҳам ғоят қимматли фикрларни ёзиб қолдирганлар. Жумладан:

*Асли мақсуд соридур йўл суҳбат,
Фархунда кишики, топқай ўшул суҳбат.
Яхши кишилар бирла тутар бўл суҳбат,
То бергай амон шарирдин ул суҳбат.*

Яъни, суҳбат аслида мақсадга олиб борадиган йўл ҳисобланади. Бундай суҳбатга бахтли киши муяссар бўлади. Яхши кишилар билан ҳамсуҳбат бўл, бу сени ҳар қандай ёмонликдан асрайди [3.19].

Сўз ва у орқали мулоқотга киришиш инсонни ҳайвонот олаmidан фарқловчи асосий белгидир:

*Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз,
Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.*

Ёки:

*Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.*

Суҳбат инсоннинг дилидагидан, кимлигидан далолат берувчи нишондир. Бунда Алишер Навоий бир неча тимсоллар воситасида исботлайди. Бир “ғунча оғизлик, санами нўшлаб” ғоят чиройли, лаъл лаблари кишини маст ва бодапараст қилғудек. Аммо у суҳбатда хомуш ўлтирса, ундан бир яхши сўз чиқмаса, суратда қанчалик ой каби гўзал бўлмасин “сурати девор ҳамон, ул ҳамон” бўлиб қолаверади:

Д.Ҳасанова, Т.Мўминова – ФарДУ магистрантлари.

*Гунча оғизлиқ санами нўшлаб,
Сўздин агар айласа, хомўш лаб,*

*Лаъли майи ақлни маст айласа,
Маст неким, бодапараст айласа.*

*Сурат ила бўлса маҳи осмон,
Сурати девор ҳамон, ул ҳамон.*

Бошқа бир маҳбуба гарчи қамар рашкини келтирувчи чиройга эга бўлмаса ҳам, киприклари саф тортмаган, ўзи ғамзадор кўринмаса ҳам такаллум пайтида аччиқ сўзга ширин жавоб қайтарса, дашном билан ақлни маст қила билса, у барчани ўзига мафтун эта олади [3.21]:

*Гар чиройи рашки қамар бўлмаса,
Лаъли лаби тунги шакар бўлмаса,*

*Айламаса ғамзани новакфикан,
Қилмаса кирпик сафину сафшикан,*

*...Лек такаллум чоғи айлаб итоб,
Талх ҳадис ўлсаву ширин жавоб,*

*...Борчасидин ҳазм этар аҳли уқул,
Гар худ узоқ чекса бўлурлар малул.*

С.Муталлибобоев ва Э.Очиловлар томонидан тайёрлаб, нашр эттирилган “Ҳикматлар”да суҳбат, суҳбатдош одобига қимматли фикрлар жамланган. Мавзумиз талабидан келиб чиққан ҳолда уларнинг айримларига эътибор қаратамиз:

*Агар тилни асрамоқ кўнгулга
меҳнатдур,
Аммо сўзни сийпамоқ бошга офатдур.*

Тилни тийиш киши учун қийин бўлса-да, унга эрк бериш бошга бало, офат келтиради.

*Айтур ерда унутма, айтмас ерда
ўзунгни мутакаллим тутма.*

Зарур жойда гапир, зарурат бўлмаганда ўзингнинг нотиклигингни намойиш қилма.

*Агар нодон маҳалсиз ҳарзаким айтур
вале эштур –*

*Қулоққа ёқмаса, маънига танбеҳ айламак
бўлмас.*

*Эшак савти Каломуллоҳда келди анкар
ул-асвот,*

*Анинг савтига тақрибу таҳошир
истамак бўлмас.*

Агар нодон бемаҳал валдираса, қулоққа ёқмаса ҳам, насиҳат билан уни тўхтатиб бўлмайди. Каломуллоҳда эшакнинг ханграши дунёдаги энг ёқимсиз овоз дейилган, лекин минг ҳазар қилган билан, яқинингда экан, унинг овозидан қочиб кутулиш имконсиз [3.18].

*Сўз қаттиғи эл кўнелини озор айлар,
Юмшоғи кўнгулларни гирифтор айлар
[3.143].*

Хуллас, сўз дунёнинг энг буюк мўъзизаси, оламнинг ибтидо ва интиҳосидир. Сўз одамни мукаррам айлади, уни барча махлуқларнинг сарварига айлантирди. Навоий асарлари бизни мулоқот чоғида дунёнинг энг сирли мўъжизаси ҳисобланган сўзга эҳтиёткорлик ва масъулият билан муносабатда бўлишга, яхши суҳбатдошларни қадрлашга чорлайди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. Б. 47-48.
2. Алишер Навоий. Ҳикматлар. – Т.: Шарқ, 2006.
3. Қаяюмов А. “Ҳайрат ул-аброр” талқини. – Т.: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев, филология фанлари доктори).